




Самарканд шаҳридаги Ислон Каримов кўчасида, Сиёб бозори якинида жойлашган масжид 1399-1404 йилларда Соҳибкирон Амир Темур томонидан бунёд этилган.

1398 йилда Хиндистонга юриш қилган Амир Темур ўша давр тарихчиларининг ёзишича, “Агар Самаркандга соғ-саломат қайтсам жоме масжиди кураман”, деб ният қилади. Хинд заминида муваффақиятли харбий юришларни олиб борган Амир Темур Дехли султонлигини мағлубиятга учратиб, 1399 йил баҳорида Самаркандга қайтади. 95 та фил, кўплаб от, туя ва бошқа кўплаб ўлжалардан иборат қарвон 1399 йил 29 апрелда Самаркандга кириб келади.

Шундан сўнг Амир Темур ўз ниятини амалга ошириш учун 1399 йил май ойи бошида Бибихоним мадрасаси рўпарасида янги жоме масжиди қуриш тўғрисида фармон беради. Рамазон ойининг тўртинчи кунда (милодий 1399 йил 19 май) масжиднинг қурилиш ишлари бошланади.

Иншоотни бунёд этишда Эрон, Озарбайжон ва Хиндистондан келган усталар, сангтарош ва меъморлар ҳам жалб қилинади. Тарихчиларнинг қайд этишича, масжидни қуриш учун тошлар Зарафшон тоғларидан Хиндистондан олиб келинган филларда ташилган.

Амир Темур масжид қурилишини ўзи бевосита назорат қилиш мақсадида давлат бошқарувини ҳам шу яқин орада жойлашган Бибихоним мадрасаси ва Туман оға хонақосида туриб амалга оширади.

Аммо орадан бир неча ой ўтгач, Амир Темур юзага келган вазият тақозоси туфайли Гарбга қўшин тортишга мажбур бўлади. Амир Темурнинг бу юриши қарийб беш йил давом этади. Шу вақтда ҳам масжид қурилиши тўхтамайди ва 1404 йил ёз ойларида деярли якунланади.

Хижрий 807 йил муҳаррам ойида (1404 йил июль-август) Амир Темур пойтахтга қайтиб келади. У масжидни кўздан кечириб, қурилишдан қўнгли тўлмайди. Чунки масжиднинг эшиги унинг қаршисида жойлашган Бибихоним мадрасасининг эшигига нисбатан анча паст бўлган эди. Шундан сўнг Соҳибкирон эшикни бузиб, қайтадан маҳобатли ва улугвор қилиб қуришга фармон беради.

Таъмирлаш ишлари кеча-ю кундуз давом эттирилади. Зеро, Амир Темур жоме масжид қурилишини Хитойга мўлжалланган юриш олдидан якунлашни ният қилган эди. 1404

йилнинг ноябрь ойида кўп қор ёғиши ва каттик совук натижасида қурилиш ишлари тўхтатилади. Лекин бунга қадар асосий ишлар деярли якунланган эди. 1405 йил февралда Амир Темур вафот этганидан сўнг масжидда қайта қурилиш ишлари амалга оширилмайди.

Ёдгорлик Амир Темур томонидан қурилган бўлса-да, у кўпроқ халқ орасида Бибихоним жоме масжиди, деб юритилади. Бибихоним – XIV асрнинг 40 йилларида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Чигатой хонадонига мансуб Амир Козонхоннинг қизи. Асли исми Сароймулкхоним бўлиб, 1370 йилда Амир Темурга турмушга чиққан.

Масжиднинг номланиши ҳақида бир неча хил қарашлар мавжуд. Уларнинг бирида айтилишича, Амир Темур Ғарб юришига кетаётган вақтда (1399 йил) масжид қурилиши ҳали тугалланмаган эди. Соҳибқирон юришга кетгач, масжид қурилишига Бибихоним раҳбарлик қилиб, охирига етказди. Шу сабабдан масжид Бибихоним номи билан аталган. Лекин ўрта асрларга тегишли бирор манбада ушбу масжид ҳақида сўз кетганда Бибихоним номи келтирилмаган. Хўш унда нима учун масжид Бибихоним номи билан аталиб келмоқда?

Ҳап шундаки, масжид рўпарасида XIV аср охирида Сароймулкхоним - Бибихоним томонидан улкан мадраса бунёд этилган бўлиб, ушбу мадраса XVI асрдаёқ вайрона ҳолатга келиб қолган эди. XVII асрда сўнгги аштархоний ҳукмдорлар даврида Бухоро хонлигида юзага келган оғир сиёсий-иқтисодий вазият, қабилалар ўртасидаги ўзаро урушлар оқибатида мамлакат заифлашади ва қозоқ султонлари томонидан бир неча марта таланади. Ушбу урушлар вақтида, айниқса, Самарқанд кўп талафот кўриб, ҳудудда ўлат тарқалади ва аҳоли шаҳарни тарк этади. Орадан йиллар ўтиб, Бухоро амири Шохмурод даврида шаҳар тикланиб, яна аҳоли билан тўлади. Бироқ кўплаб меъморий обидалар жойлашган ҳудуд ва уларнинг номланиши халқнинг хотирасидан кўтарилади. Шу тариқа Амир Темур жоме масжиди ҳам бир вақтлар унинг қаршисида қад ростлаб турган Бибихоним мадрасаси сифатида номланиб кетган.

1895-1896 йилларда профессор Н.Веселовский раҳбарлигида П.Покрышкин, расм ва фотограф С.Дудин, фотограф И.Чистяков, архитектор-расм Н.Щербина-Крамаренко, А.Щусев ва бошқалар иштирокида Самарқандга тарихий-меъморий экспедиция ташкил этилади.

Экспедиция доирасида Амир Темур жоме масжиди архитектор-расм Н.Щербина-Крамаренко томонидан тадқиқ этилиб, ушбу бино аслида Бибихоним мадрасаси эмас, Амир Темур томонидан қурилган жоме масжид эканлиги илмий жиҳатдан асосланади. Шундан сўнг бино яна масжид сифатида номлана бошланади. Бибихоним номи эса сақланиб қолади ва ҳозир ҳам кўпчилик Соҳибқироннинг ушбу маҳобатли масжидини “Бибихоним жоме масжиди”, деб атади. Аслида бундай номлаш нотўғри бўлиб, масжид “Амир Темур жоме масжиди” сифатида қўрилиши ва аталиши мақсадга мувофиқ.

[Махмудхон ЮНУСОВ,](#)

[Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз.](#)